

АСҚАРАЛИ АКБАРОВ ИЖОДИДА ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат
музейи катта илмий ходими Д.Юлдашева*

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабхаларида бўлганидек маданият соҳасида, шу жумладан бой ўтмиш меросимизни ўрганиш, сақлаш ва уни кенг халқ оммасига тарғиб этиш борасида ҳам туб бурулиш ясади.

Наманган замини ҳам кўплаб истеъдодли санъаткорларни етиштирган. Шулардан бири- рассом Асқарали Акпаров Адамшаевич бўлиб, у ўз ижоди орқали миллий рух, табиат гўзаллиги ва инсон ҳис-туйғуларини чуқур ифода этган. Унинг асарлари нафақат Наманганда, балки бутун Ўзбекистонда тасвирий санъат ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган. Асқарали Акпаров таниқли ўзбек рассоми, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ранг тасвир устаси 1951 йил 2 октябрь Ўш вилояти Янги йўл тумани Караван қишлоғида таваллуд топган. 2022 йил 12 февраль 71 ёшида Наманган шаҳрида вафот этган.

Асқарали Акпаров М. Уйғур номидаги Республика рассомлик билим юрти(ҳозирги Республика иқтисослаштирилган рассомлик мактаби) да таҳсил олган. Т. Тохтахўжаевнинг шогирти. Р. Ёкубов. Ж. Хақимов. М. Усмановлар билан бирга ишлаб ҳунар ўрганган. 1975 -йилдан Қоқон бадиий ишлаб чиқариш устахонасида наққошлик бригадаси бошлиғи, 1982-йилдан Наманган бадиий устахонаси амалий санъат бригадаси бошлиғи, 1989-йилдан Наманган вилоят ўлкашунослик музейида санъат бўлими бошлиғи, 1998-йилдан Ўзбекистон Бадиий академияси Наманган вилояти Бадиий ижодкорлар уюшмаси раҳбари бўлиб ишлаган. Асқарали Акбаров Наманган шаҳри билан боғланган. У нафақат рассом балки ёш ижодкорларга сабоқ берган педагог сифатида ҳам танилган. Ўзбекистон ва хорижда ўтказилган кўплаб бадиий кўرғазмаларда иштирок этган. Ўзбекистон Бадиий Академияси аъзоси, ижодкор сифатида жамоатчилик орасида ҳурмат қозонган. Асқарали Акбаров Ўзбекистон тасвирий санъатини ривожлантиришга, айниқса Наманган вилоятида бадиий мактабни шакллантиришга катта ҳисса қўшган ижодкорлардан ҳисобланади. Асқарали Акбаров рангтасвир санъатида ўзига хос услубга эга бўлиб, манзара (пейзаж), портрет ва натрморт жанрларида кўплаб асарлар яратган.

Портретлар; Рассом инсон руҳиятини очиб беришга интиланган. Унинг асарларида кўпинча аёллар сиймоси ва тарихий шахслар талқинини кўриш мумкин.

Фалсафий-рамзий композициялар; Масалан, унинг „Учлик“ (триптих) услубидаги ишлари машхур бўлиб, уларда ҳаёт, вақт ва инсон тақдири ҳақидаги мушоҳадалар акс этган.

Графика; Қора ва оқ ранглар уйғунлигида яратилган чизғиларида Шарқона миниатюра ва замонавий модерн услублари қоришиб кетган.

Наманган манзаралари; Ўз она юртининг табиати ва эски шаҳар кўринишларини ўзига ҳос услубда тасвирланган.

Рассомнинг кўплаб ишлари Наманган вилояти тарихи ва давлат музейида ва шахсий коллекцияларда сақланади.

Унинг ижодида Наманган табиати, Фарғона водийси манзаралари ва миллий рух устиворлик қилади. Асқарали Акбаров ижодида фақатгина рассомлик билан чекланиб қолмай, ан'анавий наққошлик, каллиграфия ва ганч уймакорлигини ҳам қамраб олган. Бинолар беағда наққошлик билан ганч ва ёғоч уймакорлигини уйғун холда қўлади, унутилиб кетган кундал услубини тиклади. Курси, хонтахта, гулдон, лаган каби буюмларни нафис безакларда безайди. Асқарали Акбаров Ўзбекистон ва хориждаги Германи, Македония, Арманистон, Кипр, Монголия, Ҳиндистон ва Швейцария каби 80 дан ортиқ биноларни анъанавий наққошлик ва ганч уймакорлиги услубида беаган. Унинг шахсий кўргазмалари Санг-Петербург (Этнография) ва Киров шаҳарларида ташкил этилган. Хаттотлик санъатидаги маҳорати учун ҳалқ орасида „Заррин қалам“ (Олтин қалам), „Гавҳар қалам“ ва „Парвин қалам“ каби номлар билан улуғланган. Улар орасида.

Наманган ; „Пахталикўл“ санаторияси ва вилоят тарих ва давлат музейи биносини киравериш фаясини 1991 йил нақшинкор „кундал“ услубида беаган.

Тошкент шаҳрида;

„Халқлар дўстлиги“ саройи-бинонинг ички бадий безаклари.

„Мовий гумбазлар“ чойхонаси-анъанавий наққошлик намуналари.

Хориждаги ишлари;

Уста Россия ва бошқа МДХ давлатларидаги мусулмон маданияти марказларини беағда фаол қатнашган.

Москвада; Россия мусулмонлари марказий диний бошқармаси бинолари ва МДУ қошидаги „Классик пансион“ безаклари.

Қозонда; Қозон жоме масжидининг нақшинкор безаклари.

Уфада; „Булгар“ савдо маркази ва диний бошқарма бинолари.

Татаристонда; Нижнекамск шаҳридаги „Маданият маркази“ ва Мамадишдаги „Миллий анъаналар уйи“.

Амалий санъат намуналари;

Бинолардан ташқари, у кундалик ҳаётда ишлатиладигон буюмларни ҳам юксак санъат даражасида беаган.

Кундал усули; Унутилиб кетган „кунда” (буртма нақш) услубини қайта тиклаган.

Рўзгор буюмлари; Нафис нақшлар билан безатилган курсилар, хонтахталар, гулдон ва лаганлар.

Унинг ишлари ҳозирда Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва Ҳалқ амалий санъати музейи каби йирик коллекцияларда сақланмоқда.

Асқарали Акбаровнинг энг машҳур ва мураккаб ишларидан бири-бу „кундал” услубининг қайта тикланиши ва қўлланишидир. Келинг, унинг ижодидаги энг қизиқарли жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

1. „Кундал” услуби- устанинг ташриф қоғози.

Бу услуб Ўзбекистонда қадимда жуда машҳур бўлган, лекин вақт ўтиши билан унутила бошлаган эди.

Технологияси; Нақшлар текис юзага шунчаки чизилмайди, балки махсус лой (ангоб) ёрдамида бўртма шаклга келтирилади. Сўнг устидан олтин ҳал берилиб, рангли бўёқлар билан безатилади.

Натижа; Тайёр бўлган асар учун уч ўлчамли (3D) эффект беради ва жуда ҳашамдор кўринади. Асқарали Акбаров бу услубни Наманган ва Фарғонадаги кўплаб чойхона ва жамоат биноларинг шифтларида (вассажуфт) маҳорат билан ишлатган.

2. „Заррин қалам” ва хаттотлик.

Ҳалқ орасида уни „Заррин қалам” деб аташлар бежиз эмас. У нақш ичига араб ёзувидаги дуолар, ҳикматли сўзлар ва ғазалларни шундай моҳирлик билан сингдириб юборадик, улар нақшнинг бир бўлагидек кўринади.

Унинг хаттотлик ишлари Москвадаги „Классик пансион” ва Қозондаги масжидлар деворида сақланиб қолган. У ерда уста „сулс” ва „наسخ” хат турларидан фойдаланган.

3. Биноларни безашдаги ўзига хослик.

Уста бино безашда „ислимий” (ўсимликсимон) нақшларни афзал кўрган. Унинг ижодида Наманган наққошлик мактабига хос бўлган „пуштипанох” ва „гул” элементлари кўп учрайди.

Масалан; У бегаган „Ҳалқлар дўстлиги” саройи ёки чет элдаги маданият марказларидан ҳар бир гул ва япроғи ўз маъносига эга. У ранглар танлашда кўпинча оч кўк (фируза), тилла ва жигаранг комбинатциясидан фойдаланган.

4. Музейлардаги мероси.

Унинг қўли билан чизилган лаганлар ва хонтахталар шунчаки рўзгор буюми эмас, балки катта бадий қийматга эга асарлардир. Улардаги нақшларнинг симетрияси шу қадар аниқки, хатто кампютер графикаси пайдо бўлишидан олдин ҳам у „микроскоп” аниқликда ижод қилган.

Асқарали Акбаров кули гул ҳунарманд rassom бўлган. У ҳаёти давомида ўз номи билан танилиб ҳозирги кунда ёшларимиз қалбидан чуқур жой олган.

Фойдаланган адабиётлар;

1. Ўлкўрсатгич. 2021 йил . И. Юсупо, И Каримов.
2. Интернет материаллари.